



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 27 январь ● сешанба ● № 4 (621) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

/// Адлия аралашгач...

Текширишлар қонунийлиги адлия органлари назоратида



Эртага — Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ташкил топганига 17 йил тўлади



Конституцияга бағишланди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Жиззаҳ Олимпия захиралари коллежида «Ўзбекистон фуқаросининг конституциявий ҳуқуқлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

УНДА ВИЛОЯТДАГИ олийгоҳ ва коллежлар мутасаддилари, профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда 300 нафардан ортиқ талабалар иштирок этди.

Вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Урол Жўрипов Бош қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти, ҳусусан, Конституцияда назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқларига доир боблар ҳусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, давра суҳбати талабалар билан савол-жавоб рўйида ўтди.

Матлуба ҲАРАЛИЕВА, Жиззаҳ вилояти адлия бошқармаси ходими

Хушёрлик ва сергаклик давр талаби



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Мирзаобод туманидаги ҳарбий қисмда «Хушёрлик ва сергаклик давр талаби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тўман ФҲДЁ, «Қамолот» ЁИМ, «Нуроний» ҳамғармаси бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур йиғинга кечас аёлдор вакиллари — II ҳаётини ўраш катнашчилари ҳам тақриф этилдилар. Жумладан, уруш фажрийиси Бектурсин Пириятов бугунги дорилмоҳон қўлар ва яқин ўтмиш асоратлари ҳақида ёш аскарларга сўзлаб бериш баробарида ўз ҳаётини тажрибалари билан ҳам ўртоқлашди.

Сўзга чиққанлар суҳбат мавзусига доир масъалада ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғин сўнгида ўз йиғитлик бурчидан ҳалол ва саводхонликдан ўтаётган бир гуруҳ аскарларга вилоят адлия бошқармасининг эсдаллик совғалари топширилди.

Дилфуза ЖҲРАЕВА, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Экинзорларни пайҳон қилманг!



Ғалла — ризқ-рўзимиз уни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз

ХАЛҚИМИЗГА хос бўлган ўлмас қадриятларимиздан бири, бу — ризқу рўзимизни уюл қилмаслик, кўз қорачигидай асраб-авайламоқдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги «Қишлоқ ҳўжалик экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кўчайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори мазмун-моҳияти ҳам ана шу эзгу мақсад билан муҳтарак дейиш мумкин. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳлари тузилди. Унга кўра адлия бошқармасининг ходимлари жойлардаги тегишли ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда экинзорлар пайҳон қилинишига қарши курашиш юзасидан тарбиот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Яқинда УРТА ЧИРЧИҚ туманида бўлиб ўтган ана шундай тадбирга Адлия вазирлиги, республика «Маҳалла» ҳамғармаси, туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, ФҲДЁ ва нотариат вакиллари, шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари тақриф этилди.

Виждон эркинлиги

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Учтепа туманидаги ЎзДЖТУ академик лицейида Тошкент шаҳар прокуратураси, ИИБ, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва Учтепа тумани суди судьялари, Адлия вазирлиги ва шаҳар адлия бошқармаси вакиллари иштирокида «Диний экстремизм ва миссионерликнинг олдидан олиш — аҳоли фаровонлиги гаровидир» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

УНДА «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталинди. Хусусан, ушбу Қонунда виждон эркинлиги, фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслиги кафолатланган конституциявий ҳуқуқ эканлиги ва шу каби масалалар ҳақида иштирокчиларга тушунтиришлар берилди. Мақсад ёшларнинг ҳар хил оқимларга кириб қолишининг олдини олиш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамият олдиданги юксак вазифаларни нимага олганда эркинлик улар онгига синдириш.

Тадбирда диний экстремистик ҳаракатлар ва миссионерликнинг салбий оқибатларини очиб берувчи видеоролик намойиш этилди.

Абдор БЕРДИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Умумий мулк ва улуш

БУХОРО ТУМАНИДАГИ «Работи Қалмоқ» ҚФЙда вилоят адлия бошқармаси ходимлари, туман давлат нотариал идора нотариуслари, туман ФҲДЁ бўлими мудири ҳамда ҚФЙ раиси ва фаоллари иштирокида «Умумий мулк ҳуқуқидан улушнинг шартнома бўйича олувчига ўтиш пайти» мавзусида семинар-учрашув ўтказилди.

ҚУН ТАРТИБИДАГИ масъала юзасидан сўзга чиққанлар умумий мулк тўғрисида фикр юритдилар. Жумладан, умумий мулк ҳуқуқидан улуш шартнома бўйича олувчи (агар тарафларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса), шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўтиши, умумий мулк ҳуқуқидан улушнинг давлат руйқатидан ўтказилиши керак бўлган шартнома бўйича бошқа шахсга ўтиш пайти амалдаги Фуқаролик кодексининг 185-моддаси, 2-қисмига мувофиқ белгиланди.

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нарҳини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши тўғрисида гапирдилар. Тингловчилар, айниқса, ёшлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинди.

Маъфуза НОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими



Ерга эгаллик қилаялман

ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРДАН НАТИЖА ЧИҚМАГАЧ, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига мурожаат қилдим. Газета ҳамда Навоий вилояти адлия бошқармаси аралашгач, муаммо ҳал бўлди. Хозирги кунда оиламиз билан қонуний сотиб олган ерга эгаллик қилаётганимиздан мамнунимиз.

Масалани адолатли ҳал этишга ёрдам берган газетадан ва вилоят адлия бошқармасидан миннатдорман.

Хайриддин КАЛАНОВ, Навоий вилояти, Навбахор туманидаги «Бешработ» қишлоқ фуқаролар йиғини



1992 йил 28 январь Президентимизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

1992 йил 4 февраль Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳаво транспортини бошқариш тизими тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

1993 йил 7 май Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси кучга кирди.

Тизим тадбирлари

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгач, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлили ва ўзаро ҳурмат асосидаги муносабатларни йўлга қўйиб, халқро ҳамжамиятга фаол интеграциялаша бошлади. Давлат иқтисодиётнинг стратегик муҳим соҳаларини фаол қўллаб-қувватлади, шу қаторда авиацияни ҳам.

1992 йил 28 ЯНВАРДА Президентимиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида» ги Фармонни имзолади. Унда Миллий авиакомпания фаолиятидаги парвозлар хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг сифатли бажарилиши сингари устувор йўналишлар аниқ ифода қилиб берилди. «Ил-62», «Ил-86», «Ту-154» самолётлари аста-секин фойдаланишдан чиқарилди. Уларнинг ўрнига ҳаёгон авиация индустрияси етакчиларининг замонавий, қулай ва тежамкор ҳаво кемалари кириб келди. Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси рамзи туши-

рилган биринчи «А-310» самолёти 1993 йилнинг июнь ойидан ўз парвозларини амалга ошира бошлади. Бугунги кунда авиакомпания «В-767-300ER», «В-757-200», «А-310», «RJ-85» ҳамда ватанимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» русумидаги самолётлардан фойдаланиб келмоқда. В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили иккинчи «Ил-114-100» самолётини етказиб берди. Ватанимизда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари парки 2009 йилда яна 5 та шу каби самолётга бойийди.

(Ўз муҳбиримиз)

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ВА ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

Жиноят иши қўзғатилди

УЛУҒНОР ТУМАНИДАГИ «Улуғнор агробизнес» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Мирзабоев ва бошқаларнинг тумандаги «Хосият ер баракаси» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Қобулова «Анджонгўштсавдо» ОАЖдан олинган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб юбориб, пулларини бермай келаётганлигини норози бўлиб ёзган аризаси юзасидан Улуғнор тумани прокуратураси томонидан текшириш ўтказилди.

ТЕКШИРИШДА «Хосият ер баракаси» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Қобулова фуқаролар Ш.Умарова ва М.Қўшматовларни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, уларга тегишли бўлган жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича Улуғнор тумани прокуратураси томонидан «Хосият ер баракаси» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Қобуловага нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик учун таалуқлилиги бўйича туман ИИБ тергов бўлимига юборилди.

М.ЭГАМБЕРДИЕВ, Анджон вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

